

ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна

Фарғона давлат университети Муסיқа таълими

ва маданият кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6539775>

Аннотация. Мақолада оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари, тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари атрафлича таҳлил қилинади. Шу билан бирга оммавий-маданий тадбирларнинг ёшлар маънавий дунёқарашиги таъсири масаласи кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: оммавий-маданий тадбирлар, назария, жамият, маънавият, маданият, дунёқараиш, зоя, тарбия, ижтимоий, сиёсий, маърифий, маориф.

ОСОБЕННОСТИ ОБЩЕСТВЕННО-КУЛЬТУРНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье проводится подробный анализ теоретических основ социокультурной деятельности, содержания мероприятий и их роли в жизни общества, а также их целей и задач. При этом будет рассмотрен вопрос о влиянии социокультурных событий на духовное мировоззрение молодежи.

Ключевые слова: социально-культурная деятельность, теория, общество, духовность, культура, мировоззрение, идея, образование, социальное, политическое, просвещение, воспитание.

SPECIFIC FEATURES OF PUBLIC-CULTURAL EVENTS

Annotation. The article provides a detailed analysis of the theoretical foundations of socio-cultural events, the content of events and their place in society, as well as their goals and objectives. At the same time, the issue of the impact of socio-cultural events on the spiritual outlook of young people will be considered.

Keywords: *socio-cultural activities, theory, society, spirituality, culture, worldview, idea, education, social, political, enlightenment, education.*

Introduction

Пандемиядан сўнг Ўзбекистонда оммавий-маданий тадбирларни йўлга қўйиш ва уларни янада яхшилаш мақсадида жойларда тарғибот, маданий-оммавий ишларни кучайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назарданбугунги кунда оммавий-маданийтадбирларни тизимли ташкил этишга ва уларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори жойларда оммавий-маданий тадбирларнинг ўтказиш ишларини жадаллаштириб юборди.

Оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш билан шуғулланадиган муассасалар турли-туман бўлиб, улардан ҳар бири муайян турдаги тадбирларни ўтказишга ихтисослашади: Оммавий-маданий тадбирларни олиб боровчи ҳар бир муассаса ўз моҳияти, хусусияти, имкониятларидан келиб чиқиб, ўзига хос турли хил тадбирлардан фойдаланиши лозим. Жумладан, драма театрлари спектакллардан, профессионал муסיқа-чолғу ансамбллари концертлардан, ўқув муассасалари дарс, лекция, семинар каби шакллардан фойдаланиб, улар орқали ўз фаолиятини олиб борадилар.

Оммавий-маданий тадбирларни интерактив тарзда ўтказиш мақсадга мувофиқдир, шу билан бирга, мазкур тадбирларнинг миллий руҳда бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш даркор. Зеро, оммавий-маданий тадбирлар мазмун-моҳияти ва ўзининг хусусияти билан миллий, маънавий-ахлоқий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий маънавий меросимизга асосланади. Бу эса “... халқимизнинг маданияти ва менталитети, дунёқараши ва маънавиятининг мустаҳкам асоси бўлган унинг миллий маданий мероси тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиришга ёрдам беради”.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз оммавий-маданий тадбирлар орқали миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтаришдир.

Ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларнинг таснифига баъзи қўшимчалар киритишга имкон беради. Мавжуд адабиётларда оммавий-маданий тадбирлар қуйидаги: турли хил кечалар, бадий композициялар, бадий чиқишлар ва диско клуб дастурлари, театрлаштирилган концерт ва томошалар, халқ маросимлари ва сайиллари, оммавий байрамлар, кўрик танловлар каби кўплаб шаклларга бўлинади.

Materials and Methods

Профессор Усмон Қорабоев таснифига кўра маданий байрамларнинг (тадбирларнинг) қамровига қараб уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлади.

Биринчи гуруҳ – табиат ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган мавсумий байрамлар;

Иккинчи гуруҳ – инсон камолоти, оила ҳаёти билан боғлиқ бўлган оилавий маросим ва тантаналар;

Учинчи гуруҳ – жамият маънавияти, эътиқодлар билан боғлиқ диний байрамлар шулар жумласидандир.

Ушбу фикрларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, оммавий-маданий тадбирларни (байрамларни) яна қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Уюшган жамоаларда, шу жумладан, ўқув юртларида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар.
2. Аҳоли турар жойларида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар.
3. Уюшмаган аҳоли ўртасида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар.

Уюшган жамоаларда ўтказиладиган тадбирлар иштирокчи-томошабинларнинг бир-бирларини билиши, умумий мақсадга интилиши билан характерланади. Бундай жамоа аъзолари ўртасида муайян рухий яқинлик мавжуд бўлиб, бу ҳолат оммавий-маданийтадбир жараёнида яққол кўзга ташланади. Бундай жамоаларда оммавий-маданийтадбирлар жараёнидаги маънавий-рухий уйғунлик қисқа муддатда ва юқори даражада юз беради.

Аҳоли турар жойларида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар хусусияти улар ўтказиладиган жой – маҳалла, қишлоқ, овул, кўрғонча аҳолисининг бир-бирига муайян даражада яқинлиги, танишлиги билан боғлиқ. Улар ўртасидаги рухий яқинлик уюшган жамоалар аъзолари ўртасидаги сингари бўлмаса ҳам, улар бир худудда истиқомат қилиб, бир-бирларини танийдилар ва улар ўртасида яшаш тарзи билан боғлиқ умумий жихатлар мавжуд бўлади.

Уюшмаган аҳоли ўртасида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар, асосан, шаҳарлардаги маданият саройлари, истироҳат боғлари, концерт заллари ва маданият уйларида ўтказилади. Бундай тадбирларни томоша қилиш учун тўпланган фуқаролар турли касб эгалари, турли ёш, жинс, ижтимоий қатлам вакиллари бўлиб, улар ўртасида маънавий-рухий яқинлик кўзга ташланмайди. Оммавий-маданийтадбир жараёнида улар ўртасида ҳам ана шундай алоқадорлик ва яқинлик вужудга келиши мумкин.

Оммавий-маданий тадбирларнинг ўқув муассасаларидан ўтказиладиган шаклларида бири ижодий учрашувлар, десак хато бўлмайди. Маълумки, “ижодий учрашув” сўзлари анча кенг маъно ифодалайди. Шоир, ёзувчи, санъаткор, рассом (мусаввир), актёр, халқ амалий санъати устаси, борингки, ўз ишининг устаси бўлган ҳар қандай соҳа вакили билан ўтказиладиган дилтортар суҳбатлар ижодий учрашувнинг кўринишларидир. Одатда бундай суҳбатлар табиийлиги, савол-жавобларга бойлиги, самимийлиги, қутилмаган савол ва жавобларни келтириб чиқариши каби хусусиялари билан ажралиб

туради. Жумладан, ёзувчи ва шоирлар, актёрлар билан учрашувлар юзлаб ёшларнинг қалбида бадиий ижодга, санъатга, илм-маърифатга иштиёқ сеҳрли оламига меҳр-муҳаббат уйғотади, ўқувчи ёшлар маънавий дунёқарашини кенгайтиради, уларни яхшиликка ундайди, эзгулик билан ҳамнафас яшашга даъват этади.

Бу борадаги энг долзарб вазифамиз – юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларни янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат.

Results

Оммавий-маданий тадбирлар кечалар, томоша ва театрлаштирилган концертлар, кўрик-танловлар, кўргазма, бадиий композиция, қувноқлар ва зукколар танловлари каби шаклларда ўтказилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шунга монанд равишда, уларни ўтказиш услубияти ҳам бир-биридан фарқ қилади. Таълим тизимида олиб борилаётган оммавий-маданийтадбирларни қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Бевосита таълим жараёнида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар. Уларга маданий тадбирларнинг маъруза, семинар, амалий машғулот каби дарс шаклларида фойдаланиладиган турлари киради. Тадбирларнинг бу туридан фойдаланилганда дарс машғулотлари давомида монологлардан, инсценировкалардан, бадиий асарлардан, видео ва аудио ёзувларидан парчалар келтирилади. Бу тадбирлар ўрганилаётган предмет, курс ёки фанни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга бу тадбирлар талабаларга дарс жараёнида қисқа муддатли ҳордиқ бериш функциясини ҳам бажариши мумкин.

2. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларда ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар. Уларгамавзули кечалар, ўткир зехнлилар

бахшашувлари, ижодий учрашувлар, илмий бахслар, дам олиш кечалари, мунозара, илмий ва ижодий конференция, театрлашган концерт, оммавий томоша, сайил, байрам, карнавал, кўрик-танловлар, саёхат, экскурсиялар, олимпиада, кўрғазмалар, қизиқарли ўйинлар, бадий-спорт тадбирлари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқалар киради.

Оммавий маданий-маърифий тадбирларнинг бу икки тури бир-биридан фақат ўтказиладиган вақти билан фарқланмайди. Уларнинг мақсадлари ҳам бир. Машғулотлар жараёнида ўтказиладиган тадбирларнинг мақсади шу машғулотда ўрганилаётган мавзуни чуқурроқ англаш, яхшироқ эслаб қолишга хизмат қилишдир. Масалан, оммавий-маданий тадбирлар сирасига кирадиган “Наврўз”байрами ҳам “...барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олийжаноб туйғуларни уйғотади”.

Ёшларнинг бўш вақтларида ўтказиладиган тадбирлар муайян бир мавзуга эмас, балки барча учун умумий бўлган йўналишда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Булар жумласига мавзули кечалар, ўткир зехнлилар бахшашувлари, ижодий учрашувлар, илмий бахслар, дам олиш кечалари, мунозара, илмий ва ижодий конференция, театрлаштирилган концерт, оммавий томоша, сайил, байрам, карнавал, кўрик-танловлар, саёхат, экскурсиялар, олимпиада, кўрғазмалар, қизиқарли ўйинлар, бадий-спорт тадбирлари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқалар киради. Бу тадбирларда кўнгил очиш кўпроқ ўрин эгаллайди. Лекин, одатда бу тадбирларда мазкур ўқув юрти хусусиятлари, йўналиши ҳам муайян даражада акс этади.

Оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда самарадорликка эришиш учун мазкур тадбирлар интерфаолликка асосланиши зарур. Лекин ҳар қандай тадбир ҳам интерфаол бўлавермаслигини унутмаслик керак. Оммавий-маданий тадбирни интерфаол ҳолатда ўтказмоқчи бўлган ташкилотчи, аввало, интерфаол жараённинг мохиятини тўғри тушуниб олиши керак. Олиб

борилаётган изланишларимиздан маълум бўлмоқдаки, айрим “эски қолип”да ишлаб ўрганган ходимлар бугунги кунда ҳамйўқ эмас.Интерфаол жараён оммавий-маданий тадбир қатнашчиларининг мустақил фикр юритишларига кўпроқ имконият яратишни тақозо этади ва ўзаро мулоқотга киришишда қатнашчиларнинг фаоллиги назарда тутилади.

Оммавий-маданий тадбирларни юқорида қайд этилган ташкилот ва муассасалар ишининг бир бўлаги сифатида, яъни асосий вазифадан ташқари ҳолатда ташкил қилинса, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, шуни ҳам кўшимча қилган ҳолда таъкидлаш лозимки, бу тадбирлар ўқув юртлари педагог-ўқитувчилари ишининг асосий қисми, асосий вазифаси сифатида қаралиб, улар бевосита бажариши зарур бўлган асосий функцияларидан ҳисобланиши лозим. Чунки, таълим жараёнида фақатгина маъруза ўқиш, семинар ўтказиш каби шакллар билан чекланилса, бир томондан, машғулотлар зерикарли бўлиб қолади, иккинчи томондан, таълим жараёнининг тарбиявий жиҳати оқсаб қолиши мумкин. Таълим жараёнига кувноқлар ва зукколар тортишувлари, илмий бахслар, мунозара, ижодий учрашув, мавзули кеча сингари маданий-маърифий тадбирларни жалб этиш машғулотларнинг жуда қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга уларнинг тарбиявий жиҳатдан юқори самарали бўлишига ҳам кўмаклашади. Бу эса мазкур тадбирлар таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш билан бирга уларнинг ҳар иккиси ҳам юқори самарали бўлишига хизмат қилишини англатади.

Discussion

Ҳозирги мураккаб шароитда ўсиб-униб келаётган ёш авлоднинг тарбиясига кучли таъсир кўрсатадиган оммавий-маданий тадбирларни жойларда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Оммавий-маданий тадбирлар турли шакллари орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда оммавий-маданий тадбирларни ташкиллаш;

- махсус таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда оммавий-маданий тадбирларни ғоявий негизларини теран акс эттириш;

- мактаб, коллеж, институт ва университетларда оммавий-маданий тадбирларни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш шулар жумласидандир.

Демак, оммавий-маданий тадбирлар "...миллатимизга фақат ўзлиги намойиш этишнинг тарихий имкониятларини яратибгина қолмай, янгича яшаш, фикрлаш, айниқса, ёшлар олдига ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллаш, умуминсоний қадриятларга уйғун миллий мафкурага асосланган янгича маънавиятни эгаллаб олиш талабларини ҳам қўйди”.

Оммавий-маданий тадбирлар негизини халқимизнинг кўп асрлар давомида тўплаган бебаҳо хазинаси бўлган халқ оғзаки ижоди ташкил этганлиги учун ҳам у кўп қиррали, сержило, сермазмундир. Унда миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топган. Унинг бойликларидан қанча кўп бахраманд бўлсак, у камаймайди, балки шунчалик бойиб боради. Уни қанчалик чуқур ва кўп ўргансак, у ўзининг янги қирраларни шунчалик кўп зоҳир этади. Шу сабабли ҳам биз мазкур хазинага, уларга эътиқод қўйган анъаналарга суянишимиз, улардан ўз ўрнида оқилона фойдаланишимиз зарур. Шундагина жамиятимизнинг олға қараб боришини таъминлаймиз.

Оммавий-маданий тадбирлар ҳаётнинг барча ижтимоий жараёнларида намоён бўладиган кишилар борлиғи, муайян мақсад сари йўналтирилган кундалик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий турмуш фаолияти жараёнида шаклланади. Бунда маънавийҳаёт, маданий эҳтиёжлар жамият маънавий ҳаётининг ўзагини ташкил қилади. Чунки айнан ана шу эҳтиёжлар натижасида жамиятнинг маънавий ҳаёти шаклланади ва ривожланиб боради.

Жойларда ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирлар ўзига хос хусусияти, жумладан, таъсирчанлиги, тарбиявий аҳамиятга эгалилиги, эмоционаллиги билан жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Шунга кўра ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар қуйидаги тартибда амалга оширилиши лозим:

1. Аввало, оммавий-маданий тадбирлар ўйланган режа асосида, ғоявий-бадий мақсадни кўзда тутган ҳолда тайёрланган бўлиши керак. Шу билан бирга, ўтказилган ҳар бир тадбирда неча ўн йиллар давомида тўпланиб келаётган тажрибалар доим ҳисобга олиниши, бу эса ҳар йили ўтказиладиган анъанавий тадбирларни янада ўзгача, ўзига хос, оригинал элементларини алоҳида назарда тутиб ўтказишга катта ижодий ёрдам беради.

2. Оммавий-тадбирлар ўзининг таъсирчанлиги билан алоҳида ажраб туриши керак. Чунки тадбирларга тайёргарлик кўриладиганда, тадбир иштирокчилари ва ташкилотчилари, керак бўлса, ижтимоий-гуманитар ва муסיқа мутахассислари билан бир неча бор илмий-назарий, амалий маслаҳат йиғилишларни ўтказиб, уларда тадбирнинг барча муҳим жиҳатларини ўзаро муҳокама қилиб, олиб чиқиладиган материалларнинг кўлами, ҳажми, мазмуни, ғояси, ижроси, сарфланадиган вақти таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Conclusions

Хулоса қилиб айтганда, баркамол инсон маънавий дунёқарашини юксалтиришда оммавий-маданий тадбирларнинг ўзига хос ўрни бор бўлиб, ўз хусусиятига эгадир. Чунки унда "...гўзаллик, улуғворлик, кўтаринкилик, тушкинлик, ғамгинлик, ҳазинлик, маъюслик, сингари туйғуларни уйғотувчи хусусиятлари мавжуд ва худди мана шу жиҳатлари орқали инсон маънавиятига таъсир кўрсатади". Оммавий-маданий тадбирларнинг моҳиятини англаб этиш шундан иборатки, буларнинг барчаси инсон бахт-саодатининг кўзгуси деб тушунишликни тақазо этади. Зеро, келажаги буюк

халқимизнинг пойдевори тарихан бой маънавий мерос устига қурилган бўлиб, фахрланишга арзигулик зарварақларига эгадир.

Оммавий-маданий тадбирларнинг ташкилот ва муассасаларда олиб бориши зарур бўлган қуйидаги тавсиялар кўзда тутилади:

- маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган маданият ташкилотлари ва ижтимоий муассасаларда оммавий-маданий тадбирлар оқилона тарзда ташкил қилиш учун уларнинг моддий базасини яратиш ва мустаҳкамлаш;

- ёшларнинг маънавий савиясини юксалтириш ва камол топишида оммавий-маданий тадбирларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириб бориш;

- ижтимоий соҳада давлатимиз олиб бораётган сиёсатни ёшлар онгига сингдиришда оммавий-маданий тадбирларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ - 4307-сонли Қарори.

2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 3-том. 2019. –Б. 277

3. Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. –Т.: Шарқ нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2002. –Б. 72

4. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б. 124-125

5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2-том. 2018. –Б. 478

6. Сиддиқов И.Б. Ёшларда интеллектуал маданиятни ривожлантириш: ижтимоий-фалсафий таҳлил. –Фарғона. 2021. –Б. 81-82

7. Феруза Асқар. Муסיқа ва инсон маънавияти. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти. 2000. –Б. 29

8. Akhadjonovich, K. A. THE CLASSIFICATION, CONTENT, ESSENCE AND FUNCTION OF VALUES.
9. Madina Nasretdinova, Dilshod Toshaliyev, & Durдона Raimjon Qizi Murodova (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3 (2), 846-850.
10. Ahadjonovich, K. A. (2021, January). SCIENTIFIC AND SPIRITUAL IN THE RISE OF SCIENCE THE IMPORTANCE OF HERITAGE. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 369-372).
11. Madina Nasritdinova 2021/9-II Actual problems of modern science, education and training THEORETICAL FUNDAMENTALS OF HEALTH THROUGH DEVELOPING CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. 29-33 page
12. Toshaliyev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF MAKOMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 91-95.
13. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
14. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL МИРОВОЗРЕНИЯ PERSONS. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, (2-3), 50.
15. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Ученый XXI века*, 48.

